



Республикаимиз пойтахти кундан-кунга обод ва кўркам бўлаётди. Суратда: Шота Руставели кўчасининг кўриниши.

А. Абалая фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Тошкентдаги «Еш гвардия» нашриёти болалар ва ўсмирлар учун кейинги вақтларда кўпгина мазмунли ва ёқимли асарларни тақдим қилмоқда.

Яқинда болалар учун Шукр Саъдуллоевнинг «Сенинг альбоминг», Хусниддин Шариповнинг «Унажонларимга», Шукруллоевнинг «Баҳор совғаси», Эсон Раҳимовнинг «Юлдузча», Жонрид Абдуллахоновнинг «Гулчеҳра» ва бошқа кўплаб авторларнинг асарларини босмаҳонага берилди.

Бундан ташқари нашриёт тар-

жима соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилмоқда. Индонез ёзувчиси Муҳаммад Ражабининг «Сумара оролида туғилганман» повестини, Владимир Немцовнинг «Хаяжон, қувонч ва умидлар» номли илмий-фантастик асарини, Василий Юксеннинг «Атаманич» повестини, В. Крупиннинг «Кўринмас хазиналар» номли асарини ва бошқа кўплаб асарларни таржима қилиб, босмаҳонага топширилди. Бу асарлар яқин кунда китобхоналарга совға қилинади.

А. ИСОҚОВ.

Эрон санъати кўргазмаси

Ўзбекистон давлат музейида эрон санъатининг XVI—XIX асрларга оид амалий санъати кўргазмаси очилди. Кўргазмада 80 га яқин нозик ва нафис ишланган экспонатлар бор. Булар орасида бадиий зарб билан ва нафис санъаткорона кесиб ишланган ҳар хил шаклдаги мис идишлар, босма туз санъати билан яратилган гўзал матолар, уй-жой меъморчилигида ишлатилган, сир бериб бадиий нақшланган сополчалар, «қундоқ» техникаси билан ишланган қимматбаҳо қумуш идишлар, гўзал қилтиб нақшланган ёгон буюмлар, садаф ва фил сугити қаллаб ясалган столлар кишини мафтун қилади.

Шунингдек кўргазмага қўйилган Эроннинг улут мутафаккир шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonидан шох Баҳромнинг ҳақида бир эпизод тасвирланган эрон тилими, XVII асрда яшаб, шарқ Рафъали номини олган машҳур эрон rassomi Раҳимий-Аббосининг миниатюра расмлари ҳам диққатга сазовордир.

Юксак дид билан ишланган бу нодар асарлар кўргазмаси бир ой намойиш қилинади.

Т. АБДУЛЛАЕВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

«СУЮҚ» ТАГЧАРМ

Совет олимлари пойфазал ремонтини жуда соддалаштирадиган янгилик яратдилар. Ҳозир бу янгилик лаборатория сино-

видан ўтказилаётди. Масалан дейлик, қолушинингизнинг мазаси қочиб қолди. Шунда сиз магазинга кирасиз-да бир неча тийинга ёпишқоқ паста сотиб olasiz. Пойфазал тагчармининг тешилган жойига ана шу пастадан суриб қўйсиз—объ-кцийинингиз яна энгизга одатдаги ремонтдаги қараганда кўпроқ хизмат қилаверади. Бу—синтетик паста бўлиб, унинг асосий компоненти «СКУ-20» пластидир. У Ленинграддаги синтетик каучук институтда яратилган. РСФСР «Гостестром»нинг Москвадаги технокимия илмий-тадқиқот институтига эса «суёқ» тагчармининг 20 га яқин рецепти тайёрланди. Ана шу рецептдаги пасталар орасида энг чидамлиси—ейилмайдигани оммавий равишда ишлаб чиқарилади.

ЯРИМАВТОМАТ

Истиқни радиаторларини тайёрлаш кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Уларни механик ишлашда жуда кўп станоклар банд бўлади. Ана шу ишлаб чиқаришни қандай соддалаштириш мумкин?

Кўз олдиндаги оригиналь машина турбиди деб фараз қилинг. Машинадаги белгиланган ораликка истиқни приборлари секцияси қўйилади, шу захотиёқ сариг-қизғиш учқун чиқади, секциянинг лайванд чоклари тош-метин бўлиб бириккиб қолади.

Бу ажойиб контакти пайвандлаш машиниси Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институтига СССР қурилиш ва архитектура академияси ҳамда Москвадаги Войков номли чуял қурилиш заводи билан ҳамкорликда яратилди. Мазкур янги машина қўлланганда истиқни приборларини тайёрлаш бир мунча арзонга тушади, сифати эса анча яхшиланади.

ХАР ТҒЕРИДА Дунёда энг новча одам

Ливияда яшовчи Сулаймон Нануш — дунёда энг новча одам. Унинг бўйи 250 сантиметр. Бироқ, унинг «имкониятлари» бу билангина чегараланади.

ниб қолмайди. Италия клини-касида бир йил даволанганга қарамай, у ойига роса бир сантиметрдан ўсаётди. Ҳозир бу йингит 17 ёшда. У саккиз ёшда, гда бир кечада бўйига 3—4 сантиметр қўшилган пайтлар ҳам бўлган. Сулаймон жисмоний меҳнат қиладиган одамга нисбатан тўрт баравар кўп оқат ейди. Флоренциядаги (Италия) бир баскетбол клуби уни командасига таклиф қилаётди. Лекин, Италия ва Халқаро баскетбол федерациялари Сулаймоннинг мусобақаларда қатнашишга рухи бўлмасалар керак. Намушнинг кўнган киши бехатёр яшашларини ичиди яшаган Гулливерни аслайди.

СУД ЗАЛИДАН

Порахўр

Янгиёўлатда консерва заводининг товароведи Г. В. Неплохов олаётган маошига қаноатланмай қўйди. Нафси ровдаб кетиб «5—4 сўм чой-чақ» чиқариб туришни одат қилиб олди.

Завода маҳсулот олгани келганларга очикдан-очик шама қила бошлади. Базиляр унга 5—10 сўмдан энг ичиди узатиб иш бит-қазини мажбур бўлишди. Лекин қинғир ишнинг қийини чиқди, софдил кишилар бу порахўрнинг кирдиқорларини фой қилиб ташлашди.

«Ташлодоовоштрест»га қарашли 1-магазин сотувчиси С. Аванесов бир кун маҳсулот олгани келди. Товароведга қўлидаги нарядни узатди. Неплоховнинг қулгоғига қуруқ сўз ёқмади. Қовоғини солиб, безарайиб ўтираведи. Шунда Аванесов унга 5 сўм узатган эди, порахўрнинг чеҳраси очилиб: «фалон кунин албатта келинг» деб илжайиб қўйди.

Аванесов иккинчи марта келди. Бу сафар Неплохов унга истаган нарасини ёйиб берди. Аванесов 10 сўм узатди. «Бошлиқ» пулни олиб тортомга солиб қўйди. Аванесов олоқеани дарҳол директорга маълум қилди. Шаҳар милиция бўлимига телефон қилинди. Порахўр жиноят устида қўлга тушди.

Яқинда Тошкент область суди системали равишда пора олиб келган Г. В. Неплоховнинг жиноий ишнинг кўриб, уни 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

М. АВІЗОВ, Б. МИРЗААХМЕДОВ.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкент шаҳри ва Тошкент обл. ластига ҳаво оқиб бўлади. Эрталаб Тошкентда 3—5 даража иссиқ бўлади, ернинг қавси бироз музлайди, областда 2—6 даража иссиқ бўлади, алрим жойларда ер қавси музлайди. Қунахун Тошкентда 21—23, областда эса 20—25 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБ-ХАВО БЮРОСИ.

— Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

22 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.30 — Кинофильмлар учун эшитириш: 18.35 — Телевизион янгиликлар, 18.30 — Революция вақти (телевизион фильм), 18.55 — Янги оқшан таомна (фильм-концерт), 19.25 — Новости дня киножурнали, 19.35 — Туғилган кунингиз билан номли киноомовоти.

Ўзбек тилида: 21.15 — Телевизион янгиликлар, 21.30 — Пахтакорлар учун (адабий-музыкали эшитириш).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.35 — Ҳазина 89к (комедия фильмлар тўплами).

Рус тилида: 20.45 — Бразилия куйлари (фильм-концерт).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Одиссей саёхатлари — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 гача).

Симледаги севги (икки серия) — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). Етти азамат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Булутдаги тўрт қадам — «СПУТНИК» (тоқ соатларда ва кеч соат 10 да).

Мартин булутда — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8, 9-30 да)

Сир қалити — «ВАТАН», НАВОИЙ номли.

Зигмунд Колосовский — КА-ФАНОВ номли.

Симледаги севги — «ФЕСТИВАЛЬ».

Одиссей саёхатлари — ТЕЛЬ-МАН номли, «ЦАРК».

Булутдаги тўрт қадам — «ПОБЕДА».

Мартин булутда — «ПОБЕДА» (кеч соат 9-30 да).

Кинофильмлар прокати

Ўзбекистон контораси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

янги бадиий фильмлар чиқаради

Профессор Мамлок

НОМЛИ КИНОДРАМА.



Фридрих Вольф пьесаси асосида ишланган. Бу фильмга 1961 йилда Москвада бўлиб ўтган иккинчи Халқаро кинофестивалда Олтин мукофот берилган.

Сценарий авторлари — Карл Георг Эгел, Конрад Вольф.

Постановкачи режиссёр — Конрад Вольф.

Оператор — Вернер Бергман.

Ролларда:

Вольфганг Хейнц, Урсула Бург, Хильмар Тате, Дорис Абессер, Герварт Гроссе, Лиссе Тэмплгоф ва бошқалар қатнашди. Германия Демократия Республикасининг «Дефа» киностудияси ишлаган.

МЕНИНГ ҚУВОНЧИМ

Сценарий автори С. Бабаевский.

Постановкачи режиссёрлар — И. Ветров, Н. Машченко.

Оператор — С. Лисецкий.

Ролларда:

Л. Черепанова, В. Волков, С. Сологуб, А. Кожеников, О. Ножкина, П. Натко, И. Бойко ва бошқалар қатнашди.

А. П. Довженко номли киностудия ишлаган.



ГАЛОСТЬ МОЯ

КЎНГИЛ ЧОРЛАЙДИ


Сценарий авторлари — А. Власов, А. Млодик.

Постановкачи режиссёрлар — А. Борисов, М. Руф.

Ролларда:

А. Борисов, Ю. Токубева, В. Телегина, лар қатнашди.

«Тенфильм» киностудияси ишлаган.



Душа

АРГЕНТИНАДАГИ АҲВОЛ

БУЭНОС-АЙРЕС. 20 сентябрь. (ТАСС). Аргентинада армиядаги ҳар хил гуруҳларнинг рақобати кучайиб кетганлиги натижасида юз берган кескин аҳвол сақланиб қолмоқда. Матбуотнинг хабарларига кўра, республика президенти Гидо тиронида ана шу гуруҳлар ўртасида ўтказилган меҳнатлар ҳақида гапирди. У савдо ходимларининг, харидорларнинг меҳлати ишлаб чиқарувчи фабрикалар ишдан норози эканлигини билдирди. Меҳнатчилар ой бошида

Жазоир миллий таъсис мажлисига сайлов

ЖАЗОИР. 20 сентябрь. (ТАСС). Бугун бугун Жазоир территориясида мамлакат миллий таъсис мажлисига сайлов ўтказилмоқда. Бу—Жазоир мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки сайловдир.

Бир йил муддатга сайланган миллий таъсис мажлиси мамлакат ҳукуматини тайинлайди ва конституция лойиҳасини ишлаб чиқади.

1962 йил 20 сентябрдаги Жазоир миллий таъсис мажлисига сайлов бугун мамлакатда айни бир вақтда бир қарра овоз беришнинг мажоритар системаси асосида номзодларнинг департамент рўйхати бўйича ўтказилмоқда. Ҳар бир департамент битта сайлов округини ташкил қилади. Мамлакатда 15 департамент бор. Эънан битимла-

рига биноан ҳар бир рўйхатда номзодларнинг тахминан ўндан бир қисминини европаллиқлар, асосан французлар ташкил қилади.

10.4 миллион аҳолиси бўлган бугун Жазоир бўйича 196 депутат, шу жумладан 180 жазоирлик ва 16 европаллик сайланади. Сайловда 6 миллионга яқин эркак ва аёл сайловчилар қатнашади.

Номзодларнинг сайлов рўйхатини Миллий озодлик фронтининг сиёсий бюроси томонидан тўғизди. Жазоир Коммунистик партияси сайлов муносабати билан чиқарган баёнотида кўрсатадики, унинг Миллий озодлик фронтини байроғи остида мамлакатдаги ҳамма ва танинларв кучлар вакилларининг ягона рўйхатини овозга қўйиш ҳақидаги таклифи қабул қилинмади. Шунга қарамадан Жазоир Компартияси айтидики, янги давлат

тузиш ишда бирликка эришмоқ учун у Миллий озодлик фронтини сиёсий бюросини янги ҳукумат тузишда танийди ва Жазоир халқини Миллий озодлик фронтининг сиёсий бюроси тақдим қилган номзодларини ёқлаб овоз беришга чақиради.

Миллий таъсис мажлиси бир йил муддатга сайланади. У республиканинг янги ҳукуматини тайинлайди ва конституция лойиҳасини ишлаб чиқади. Миллий таъсис мажлисининг ваколати конституциянинг ишлаб чиқилиш тугаллангунча тавом бўлиб қолган тақдирда ҳукуматга бир ой муддат ичиде миллий таъсис мажлисига янги сайлов ўтказиш ҳуқуқи берилади. Бу янги таъсис мажлиси ҳам худди шундай функцияларга эга бўлади.


ЖАЗОИР. 20 сентябрь. (ТАСС). Бугун Жазоирда миллий таъсис мажлисига сайловлар бошланди. Касбада (Жазоирнинг эски шаҳар қисми) сайлов пунктлари очилмасдан анча илгарий ҳалойик пунктлар олдида қўлаб тўланган эди. Овоз бериш эрта-лаб соат 8 да бошланди ва кечқурун соат 6 да тавом бўлади.

ФИТНАЧИЛАР УСТИДАН ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

БАЙРУТ. 20 сентябрь. (ТАСС). 1961 йил 31 декабрда муваффақиятсизликка учраган давлат тўғрисидаги тағйергарлик қўриш ва уни ўтказишда қатнашган кишиларнинг катта бир гуруҳиси устидан бошланган суд процесси бу ерда тавом бўлди.

79 киши, шу жумладан 68 киши сиртдан ўлим жазосига; 35 киши, шу жумладан 4 киши сиртдан умрбод қаторга ишларига; 186 киши турли муҳлатлар билан қамок жазосига ҳукм қилинди.

Мамлакатдаги ҳозирги режими ағдариб ташлашни ўзига мақсад қилиб олган бу фитна «халқ социял партияси» (илгариги номи «Сурия халқ партияси») томонидан тағйерланган эди. Бу партия илгари Германия ва Италия фашизми билан алоқа боғлаб ном чиқарган эди. Муваффақиятсизликка учраган тўғрисидаги тағйергарлик мамлакатда Ғарб империалистик давлатларига Ливанни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тўла қарам қилиб қўйишни таъминлаб берадиган режим ва ҳукумат барпо қилишдан иборат эди.



— Мен Испанияда ҳеч қандай террор бўлаётганини кўрмаётман-ку!

В. Вайсборт чизган сурат, (ТАСС фотохроникаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 22 СЕНТЯБРЬ, 1962 ЙИЛ

«Кизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмаҳоваси

Р. 02327. Нашр. Г. 1685.